

ИБРОЙИМ ЮСУПОВ ШЕЪРИЯТИ ЎЗБЕКЧА ОҲАНГЛАРДА
Қурамбоева Гуландом Каримбаевна – филология фанлари доктори (DSc), профессор
gkurambayeva75@gmail.com
Тошкент давлат тиббиёт университети

ПОЭЗИЯ ИБРАИМА ЮСУПОВА В УЗБЕКСКОМ ЗВУЧАНИИ
Қурамбаева Гуландом Каримбаевна – доктор филологических наук (DSc), профессор
Ташкентский государственный медицинский университет

THE POETRY OF IBRAIM YUSUPOV IN THE UZBEK MELODIC TRADITION
Kurambaeva Gulandam Karimbaevna – Doctor of Philological Sciences (DSc), Professor
Tashkent State Medical University

Таянч сўзлар: таржима, шоир, асл нусха, бадий маҳорат, мисра, ижодий таъсир, тўртлик, адабий алоқа, колорит.

Резюме. Ушбу мақолада Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг ўзбек тилидаги “Танланган асарлар” тўпламига киритилган ўзбек тилидаги шеърлар таҳлил қилинади. Мутаржимлар Музаффар Аҳмад, Янгибой Қўчқоров, Рустам Мусурмонларнинг таржимонлик маҳорати ҳақида сўз юритилади.

Ключевые слова: перевод, поэт, оригинал, художественное мастерство, строки, творческое влияние, куплет, литературные связи, колорит.

Резюме. В данной статье анализируются стихотворения на узбекском языке, включённые в сборник «Избранные произведения» Героя Узбекистана, народного поэта Узбекистана и Каракалпакстана Ибрагима Юсупова. А также рассматривается переводческое мастерство переводчиков Музаффара Ахмада, Янгибая Кучкарова и Рустама Мусурмана.

Key words: translation, poet, original, artistic skill, lines, creative influence, couplet, literary connections, color.

Summary. This article analyzes poems in the Uzbek language included in the collection “Selected Works” by Ibrahim Yusupov, Hero of Uzbekistan and People’s Poet of Uzbekistan and Karakalpakstan. It also examines the translation mastery of Muzaffar Ahmad, Yangibay Kuchkarov, and Rustam Musurman.

Кириш. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов шеърияти мангуликка дахлдор ижод. Замон ва замин танламайдиган шоир қаламидан тўкилган охорли сатрлар орадан қанча вақт ўтса-да, кеча ёки бугун ёзилган асарлардек шеърият муҳаббатларининг қалб торларини черта олади. XX аср қорақалпоқ адабиёти ҳақида гап кетса, шубҳасиз, илк бор Ибройим Юсупов номи тилга олинади ҳам шундан. Шоир нафақат Қорақалпоғистон ёки Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё давлатларида ҳам ўз ўрни ва ўз овозига эга истеъдод соҳиби. Унинг шеърлари турли йилларда бир неча бор ўзбек тилига таниқли шоирлар томонидан ўгирилиб, нашр этилган. Жумладан, “Раҳмат сенга, замоним”, “Қоратол”, “Менинг йигит вақтим, сенинг киз вақтинг”, “Сўфитўрғай саломини” каби шеърий тўпламларидан ўрин олган таржималарни машҳур шоирлар Миртемир, Зулфияхоним, Шухрат, Жуманиёз Жабборов, Ҳусниддин Шарипов, Барот Бойқобилов, Нормурод Нарзуллаев, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиёва, Маъруф Жалил, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Янгибой Қўчқоровлар аслият руҳини бера оладиган даражада амалга оширган.

Сўнгги йилларда қорақалпоқ адибларининг асарлари билан ўзбек китобхонларини таништиришда беминнат меҳнат қилиб келаётган ижодкорлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмондир. У Бердакнинг “Юрт ғамхўри керак менга”, Ажиниёзнинг “Асарлар”, К.Каримовнинг “Оғабий”,

Ў.Абдурахмоновнинг “Оролим – дардим менинг”, Ш.Уснатдиновнинг “Ибройим Юсупов”, М.Низоновнинг “Ҳаво кемасидаги икковлон”, Б.Генжемуратовнинг “Юракнинг ўртли осмони”, С.Ибрагимовнинг “Йўл ўртаси” номли таржима асарларининг масъул муҳаррири ва мутаржимини сифатида китобхонларга яхши таниш.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган Ибройим Юсуповнинг шеърлар ва дostonлардан иборат “Танланган асарлари”[1]ни тўплаб, нашрга тайёрловчи ҳам Рустам Мусурмон. Унинг “Шеъриятнинг катта қарвони” сарлавҳали мақоласи тўпламга муносиб дебеча бўлган. Ибройим Юсупов шеъриятининг ўзига хос бадиийат жоллари ва миллий колорит яратиш бобидаги маҳоратини мисолларда теран таҳлил қилар экан, мазкур тўпламнинг олдинги нашрлардан фарқи ҳақида шундай дейди: “Авалги таржималар асосан шўро даврида амалга оширилгани учун шоирнинг қорақалпоқ халқи қайғусини, унинг оғир турмушини, Оролбўйи минтақасининг табиий офатлари тасвирлаган шеърлари ва дostonлари эътибордан четда қолган. Керак бўлса, шоир ўз халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳукмрон тузумни аёвсиз танқид остига олиб ёзган шеърларни ўша замонда таржима қилиш ҳам, нашр этиш ҳам амримаҳол бўлган.” [1:10] Тўпламга И.Юсуповнинг шўролар даври ҳукмронлигида яратилган меҳр-оқибат, ҳалоллик, эзгулик, инсонпарварлик ғояларини мадҳ этувчи бадиий юксак асарлари сараланган. Терма, “Шўрча” сонетлари, “Украина хотирлари”, “Тажриба

томчилари”, “Болалигим” туркумларидан, тўртликлар, эпиграммалар ва дostonлар ўзбек ўқувчисига ҳам эстетик завқ бера оладиган даражада ўғирилган.

Адабиётлар таҳлили. Шеърят шайдоларини чуқур мушоҳада қилишга чорловчи шоирнинг кўнглидан тўкилган сатрлари юракларга етиб боради. Ибройим Юсупов ҳеч қачон кўнглига қарши йўл тутмаган, дилидагини эмин-эркин қаламга оладиган, довжурок, бирсўзли, дангал шоир бўлган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Гапнинг лўндасини айтсам, шоирликда уч нарсага содиқ бўлдим: шеър орқали халқнинг юрагига йўл изладим, замондошларимнинг юрак садосини, қайғу-қувончини, орзу-армонларини, тилак-истакларини, буюк инсонпарварлик фазилатларини қуйлашга интилдим...” [4].

Шоирнинг “Чўл армонлари” достони ва юздан ортиқ шеърларини ўзбек тилига таржима қилган Рустам Мусурмон И.Юсупов ижодиётида ифодаланган қанотли сўзлар, кўп қатламли ибораларни теран илғаб, “устоз шоирлар ҳар бирининг ўз Ибройим Юсупови мавжуд эканини, Ибройим Юсупов ҳар бир таржимонининг тилида ўзгача жаранглашини англайди.” [1:5].

Шоирнинг ижодида Ватан мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Туғилиб ўсган юртга оташин муҳаббати акс этган “Ўзбекистон” сарлавҳали шеъри таҳлили орқали шоирнинг бадиий поэтикаси очиб берилган. Лирик қаҳрамон учун Ватан тушунчаси жуда муқаддас. Тўплам Абдулла Орипов таржимасидаги айнан шу шеър билан очилади.

Шундайин бу ажиб бир боғ,
Тавсиф этиб тўймам, бироқ
Фарзандим деб очар кучоқ,
Ўзга эмас, ўз жонимсан,
Гўзал Ўзбекистонимсан. [1:13]

Умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғун ҳолда образли тасвирланган “Бу ер ҳали зўр бўлади”, “Ошиқликнинг ўз йўли бор”, “Одам”, “Гуллар англамас”, “Жонон қирар тушларига”, “Анор гуллади”, “Орол”, “Беш кўноқ”, “Ярашар” каби шеърларнинг янги таржималарида аслият руҳи берилган.

Халқимизда “инсон инсон билан тирик, одам тафтини одам олади” деган иборалар бот-бот такрорланади. Киши ҳаётида қувончли воқеа содир бўлса ёки хасталанса, бошига оғир кулфат ёғилса, сўзсиз, бир-бирига таянади. Шоир “Бир одамни бир одам” шеърида мана шу умуминсоний фазилатларни қаламга олиб, ҳаёт ҳақиқатидан бадиий ҳақиқат яратган. Бу шеърни ҳам Р.Мусурмон таржима учун яхши дид билан саралаган. Шоир услуби, шеърнинг поэтик оҳанги ўзбек ўқувчисини ҳам завқлантирадиган даражада ўғирган. Таржимада бадиий таъсирчанлик унинг жозибасини таъминлаган.

Бир одамни бир одам
Севиб қолар танишса.
Бир одамни бир одам
Соғинади олисда.
Биров ўтса, бир одам
Аъза тутиб, йиғлайди.
Бир одамдан бир одам
Кўнгил сўраб йўқлайди. [1:311]

И.Юсупов тўртлик жанрида ҳам ижод қилган. Шоирнинг тугал фалсафий маънога эга муштарак гоҳ асосига қурилган, катта ҳаётий тажриба маҳсули бўлган

бармоқ вазнида ёзилган қатор шеърини туркумлари бор. Фалсафий маънога йўғрилган “Бешкўноқ” (қуз фаслидаги қаттиқ совуқ қорақалпоқ тилида “бешкўноқ” дейилади.) тўртлигининг таржимаси аслига монанд.

Келсин, майли, эртами-кеч, туш кўноқ,
Қорақалпоқдан хафа бўлмас хуш кўноқ.
Келсин, майли, олтов бўлиб, ўн бўлиб,
Фақатгина келмаса бас “беш кўноқ.” [1:332]

Таржималарда тўртликка хос хусусиятлар аслидагидек берилган.

Шоир ижодида ҳажми ихчам, ўн олти қатордан иборат “Одам” номли икки қисмдан иборат фалсафий шеър бор. Биринчи қисмида ҳайвон, табиат, одамлар тўғрисида сўз юритилса, иккинчисида одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳақида айтилади. Икки қиёфали одамлар таржимада ҳам мукамал берилган.

У тош билан урди ҳайвонни,
Ақлу хийла жангни қилди ҳал,
Лек урмади мамонт боласин,
Боласин ўйлади шу маҳал.
Одам эди бу ҳайвон тусли. [1:312]

Шеърнинг иккинчи қисмида болаларга азоб-укубат ёғдирган, қийнаган, одам сифатидаги ҳайвонлар шоирнинг танқид найзасига илинади. Шоирнинг икки тоифа одамлар тўғрисидаги қарашлари таржимада ҳам аслиятга уйғун.

Шоир борки, бизга ҳаёт аталмиш буюк неъматни инъом этган онани мадҳ этишни ҳам фарзандлик, ҳам ижодкорлик бурчи деб билади. Она – дунёга тириклик таратмоқ учун яралган муқаддас зот. Унинг шаънига қанчалик эзгу сўзлар айтилса, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилса кам. Оқ сутига меҳр бериб ичирган она фарзанди гуноҳ қилса-да, уни кечиргувчи хилқат. И.Юсуповнинг волидасига миннатдорчилиги тараннум этилган “Онажон” шеърини истеъдодли шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад қуйидагича ўзбекчалаштирган:

Бировлар ҳурматлар, ахир, онам дер,
Онам борки, ёруғдир шул хонам дер,
Булар бекор гаплар англасанг агар,
Қарзинг ўтаб бўлармиди, онажон!

Сиртда юрсам ўйлаб аёл, боламни,
Совға олмай – унутарман онамни,
Бошқалар кечирмас балки гуномни,
Фақат ўзинг кечирарсан, онажон! [1:193]

Ибройим Юсуповнинг ўзига хос образ яратиш маҳорати таланти мутаржим Янгибой Қўчқоров таржималарида ҳам ёрқин намоён бўлган. “Мустақиллик майдонидан ўтганда” шеъри ҳар бир ўзбек китобхони қалбида дўстликка хос бетакрор туйғуларни кашф этиши билан ажралиб туради. Қорақалпоқ миллиятининг ўзбек халқига юксак эҳтироми қуйланган мисралар Янгибой Қўчқоров таржимасида бадиий жозиба қасб этган.

Бугун Аму бўлиб оққим келади,
Арғумоқ от бўлиб чопғим келади.
Бугун пок кўксига ўзбек оғамнинг
Кўнглимдан гул узиб таққим келади. [1:158]

Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари жаҳон ҳажмамати томонидан тан олинаётгани қувонарли ҳолат. Бундан бир неча йиллар олдин шоир айни шу кунларни орзу қилиб, қуйидаги сатрларни яратгандек гўё.

Сенинг руҳингдаги мардлик, донолик

Янги даврон йўлини топишга лозим.

Буюк инсонлигинг дунёдан олиб,

Жаҳон минбаридан янграб овозинг [1:158].

Хулоса. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, истеъдодли шоир Ғайрат Мажиднинг “Сахро булбулининг наволари” сарлавҳали мақоласи “Танланган асарлар”га ўзига хос хотима бўлган. Ибройим Юсуповнинг ўз қўли билан ёзган таржимаи холидан парчалар келтириб, муаллиф шундай дейди: “Бадий ижодда мактаб яратишга камдан-кам ижодкорлар муяссар бўлишади. Кенг маънода адабий мактаб жуда катта тушунчаларни англатади. Ибройим Юсупов ҳам ана шундай мактаб яратган шоирлардан биридир.”[1:454] Бугун эса бу мактабдан кўплар баҳраманд бўлмоқда. Ишончимиз комилки, у келажак авлод учун ҳам устоз вазифасини ўтайди.

Шоирнинг “Ғозларнинг қанотинда” шеъри Ғайрат Мажидни тобора олислаб бораётган болалигини ёдига

туширади. Гард юкмаган, покиза, бокира дамларини соғинади. Бир дамгинага бўлса-да, ўша даврларга қайтсам дейди. Бу энди фақат орзу. Алланечук ҳазин ҳиссиётлар ўровига қолдиргани учун ҳам мақола муаллифи И.Юсуповдан миннатдор. “Ғозларнинг қанотинда” шеъри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Максет Ўтемуратов ижросида маромига етказиб куйланган. Мана шу шеърдан айрим сатрларни Ғайрат Мажид мақола сўнггида ўз таржимасида келтирган.

Биз ушбу мақола доирасида Ибройим Юсуповни янада ўзбек китобхонларига яқинлаштирган, шеърини билан кенгроқ танишиш учун имконият яратган “Танланган асарлар”даги баъзи шеърлар ҳақидагина сўз юритдик, холос. Аслида шоир ижоди йирик фундаментал илмий тадқиқотларга манба бўла олади. Шоирнинг бизга қолдирган бой адабий мероси, асрлар оша олмас янглиг жилолاناверади.

Адабиётлар

1. Юсупов И. Танланган асарлар. – Тошкент: «Шарқ», 2019.
2. Юсупов И. Сўфитўрғай саломи. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2015.
3. Юсупов И. Сўз чамани. – Тошкент: «Академнашр», 2020.
4. Юсупов И. Өмир, саған ашықпан. Сайланды шығармалары. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1999.